



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Водий НГҚЧБ директори**

**Ж.М.Бекмурадов**

“ \_\_\_\_\_ ” март 2022 йил

**Водий НГҚЧБ “Учтепа” газ кони газни дастлабки тайёрлаш қурилмаларини ишлатишнинг вақтинчалик технологик регламентларини қайта кўриб чиқиш ва “Чақар” газ кони газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини ишлатиш учун технологик регламент тайёрлаш хизмати учун**

## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**Андижон шаҳар 2022 йил**

## **1. Топширишнинг номланиши**

1.1 Водий НГҚЧБ “Учтепа” газ кони газни дастлабки тайёрлаш қурилмаларини ишлатишнинг вақтинчалик технологик регламентларини қайта кўриб чиқиш ва “Чақар” газ кони газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини ишлатиш учун технологик регламент тайёрлаш.

## **2. Хизматлар кўрсатишнинг асоси ва мақсади**

2.1 Водий НГҚЧБга қарашли қурилмаларда сифатли маҳсулот тайёрлаш ва қурилмаларни хавфсиз ишлашини таъминлаш мақсадида қуйидаги амал қилиш муддати тугаган технологик регламентларни қайта кўриб чиқиш:

- Временный технологический регламент на эксплуатацию установки предварительной подготовки газа "Учтепа" УППГ-1,2 (TR 05753201-10:2018 амал қилиш муддати 07.05.2021й.)

Янги ишга тушган “Чақар” газ кони газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини ишлатиш учун технологик регламент тайёрлаш.

## **3. Топшириқнинг асоси, мазмуни**

3.1 Маълумотларни қайта кўриб чиқиш. Қурилмалардаги технологик жараённинг ҳақиқий ҳолатларини ўрганиш (технологик чизмаси технологик режимининг ҳақиқий (факт) кўрсаткичлари), технологик жарайёнларни чуқур таҳлил қилган ҳолда кўриб чиқиш.

3.2 Қурилмалардаги босим остида ишловчи идишларда ўрнатилган саклаш клапанлар, задвижкалар, ростловчи клапанлар ва отсекателларни иш режимини кўриб чиқиш;

3.3 Қурилмалардаги электр таъминоти тизимида ўрнатилган ускуналарнинг иш режимини кўриб чиқиш.

3.4 Технологик регламентларни NGH 39/0-014:2020 меъёрий ҳужжат асосида қайта кўриб чиқиш ва тегишли департамент ҳамда Водий НГҚЧБ мутахассислари билан кўриб чиқиш.

3.5 Водий НГҚЧБ ва тегишли департамент мутахассислари томонидан берилган ўзгартиришлар асосида тайёрланган технологик регламентларни қайта тахрирлаш;

3.6 Технологик регламентларни NGH 39/0-014:2020 меъёрий ҳужжат 6.2 банди асосида келишиш ва экспертизадан ўтказиш;

3.7 Технологик регламентларни “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқарув раисининг масуъл ўринбосарларидан тасдиқлатиш.

#### **4. Топшириқнинг хажми**

4.1 Қуйидаги регламентларни Ўзбек ва рус тилларида (ўзбек тили нусхаси лотин алифбосида) 3 (уч) нусхадан ишлаб чиқиш.

- “Учтепа” газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини (ГДТҚ – 1,2) ишлатишнинг доимий технологик регламенти;

- “Чақар” газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини (ГДТҚ – 1) ишлатишнинг вақтинчалик технологик регламенти;

#### **5. Топшириқнинг бажарилиш муддати**

5.1 Бажарувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига шартномага мувофиқ қийматнинг 15% миқдори олдиндан тўланганида ва бошланғич маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб икки ой муддат ичида.

#### **6. Молиялаштириш манбалари ва тартиби**

6.1 Ишларни молиялаштириш “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобидан амалга оширилади.

6.2 Ишни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва енг яхши таклифларни танлаш йўли билан танлов натижаларига кўра танланган пудратчи билан тузилган шартнома гартларига мувофиқ балгиланади.

6.3 Тўловнинг қолган қисми иш буюртмачи томонидан қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

6.4 “Ўзбекнефтгаз” АЖ Водий нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг 16.03.2022 йилдаги 01/04-195 – сонли Корхона ва ташкилот раҳбарларига технологик регламент тайёрлаш хизматлари нархларини бўйича қайта маълумотнома олиш бўйича юборилган хатимизга 2 донга ташкилотдан жавоб хати олинди (хатлар илова қилинади), шулар ичидан нарх таклифи 57 000 000 (эллик етти миллион) сўм бошланғич нарх билан танловга қўйиш.

#### **7. Буюртмачи реквизитлари**

“Ўзбекнефтгаз” АЖ Водий нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси

Манзил: Тошкент ш. Истикбол кўчаси 21 уй

ИНН: 200837914 НДС: 326080011602

Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Андижон шаҳри Навоий

Шоҳ кўчаси 97-уй Почта инкеси 710120

Етакчи-муҳандис механик:



**А.Ҳақимов**